

**КАСБ - ҲУНАР МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ****Xidirova Dildora Tojiboyevna**

Jizzax politexnika instituti

Tayanch doktoranti.

+99893-101-85-18 dildoraxidirova117@gmail.com<https://doi.org/10.5281/zenodo.19136148>

Аннотация. Ушбу мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар асосан профессионал тайёргарлик негизда мутахассис ёки бўлажак мутахассиснинг психологик ва жисмоний жиҳатдан тегишли касбий вазибаларни бажаришига тайёрлиги, зарур билим, кўникма, малака, тажриба, қобилиятга эгаллиги, касбий фаолиятда юзага келадиган қийинчилик ва муаммолардан чўчимаслиги, ҳар қандай шароитда ҳам касбий бурч ва масъулиятни тўла англай олиши, ички имкониятларини тўлақонли намоён қила олишини таъминлашдаги фаолиятини оширишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: Касбий тайёргарлик, касб-ҳунар мактаби, ўқувчилар, профессионал таълим, касбий компетентлик, билим, кўникма ва малака, психологик тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, мотивация, касбий фаолият, имитацион виртуал тренажёрлар, инновацион таълим технологиялари, касбий ривожланиши, педагогик жараён, таълим самарадорлиги, касбий яроқлилик, компетенция, таълим тизими, шахс ривож.

Аннотация. Рекомендации, разработанные в данной статье, в основном основаны на профессиональной подготовке, психологической и физической готовности специалиста или будущего специалиста к выполнению соответствующих профессиональных задач, необходимых знаниях, навыках, квалификации, опыте, умении не бояться трудностей и проблемы, возникающие в профессиональной деятельности, профессиональном долге при любых обстоятельствах и служит повышению их активности в том, чтобы они могли полностью осознать свои обязанности и в полной мере проявить свои внутренние возможности.

Ключевые слова: Профессиональная подготовка, профессиональное образование, учащиеся профессиональных школ, профессиональная компетентность, знания, умения и навыки, психологическая готовность, физическая готовность, мотивация, профессиональная деятельность, виртуальные тренажёры, инновационные образовательные технологии, профессиональное развитие, педагогический процесс, результаты обучения, профессиональная пригодность.

Summary. The recommendations developed in this article are mainly based on professional training, the psychological and physical readiness of a specialist or a future specialist to perform relevant professional tasks, the necessary knowledge, skills, qualifications, experience, ability, not to be afraid of difficulties and problems arising in professional activity, professional duty under any circumstances and serves to increase their activity in ensuring that they can fully understand their responsibilities and fully demonstrate their internal capabilities.

Keywords: Professional training, vocational education, vocational school students, professional competence, knowledge, skills and abilities, psychological readiness, physical readiness, motivation, professional activity, virtual simulators, innovative educational technologies, professional development, pedagogical process, learning outcomes, professional suitability.

Жамиятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий тараққиётини таъминлашда кадрлар ва уларнинг касбий малакалари даражаси ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бинобарин, малакали кадрлар ёрдамида турли соҳа ва йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш самарадорлигига эришилади, шунингдек, янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев малакали мутахассисларнинг захираси сифатида ёшларнинг салоҳиятига катта баҳо берар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди” [1]. Айни ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакат ёшларининг камолотини таъминлаш, уларни ҳар томонлама камол топтириш учун барча имкониятларни ишга солиш мақсадга мувофиқ эканлигига урғу беради: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [2].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўсиб келаётган авлодни муайян касб ёки ҳунарга йўналтириш, уларда касбий кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур масала давлат сиёсати даражасида ҳал этила бошланди. Хусусан, кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим бўғини сифатида касб-ҳунар коллежлари фаолиятининг йўлга қўйилиши мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш, уларнинг “касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради” [3].

Касб-ҳунар мактаблари фаолиятининг мазмуни умумий ҳолда ўқувчиларда ихтисослик билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш асосида уларнинг касбий тайёргарликларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Педагогик хусусиятига кўра имитацион виртуал тренажёрлар воситасида КХК ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш кўп босқичли профессионал таълимнинг муҳим бўғини, ўзига хос мураккабликка эга жараён саналади.

Имитацион қурилмалар воситасида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёнининг моҳияти тўғрисида тўла тасаввур эга бўлиш учун “тайёргарлик”, “касбий тайёргарлик”, “касбий тайёргарлик сифатлари”, “касбий тайёргарликни ривожлантириш” каби таянч тушунчалар асосида ёритиладиган ҳолатлардан хабардор бўлиш талаб этилади.

Луғавий жиҳатдан “тайёргарлик” тушунчаси “тайёр ҳолга келиш ёки келтириш ишлари; тайёрлаш, тайёрланиш ҳаракати, ҳозирлик” [4]; “1) ниманидир бажаришга розилик; 2) барча ишнинг бажарилганлик ҳолати, нима учундир барчасининг тайёр бўлиши” [5].

Ю.А.Грачевнинг фикрига кўра, “тайёргарлик” тушунчаси турли ҳолатлар, мақсадларни, ҳатто шахс қобилиятини тавсифлаш ҳамда ўрганишга нисбатан қўлланилади ва айнан мана шу сабабли у кўп маъноли, интегратив характер касб этади [6].

Ўз тадқиқотида О.И.Шишкина тайёргарликни икки турга, яъни узоқ муддатли тайёргарлик ва вазиятли тайёргарликка ажратади.

Узоқ муддатли тайёргарлик шахсининг фаолиятини шартлантирувчи (фаолиятни ташкил этиш ҳамда унинг муваффақиятини таъминлаш учун зарур, муҳим бўлган) нисбатан барқарор хусусиятлар, тавсифлар, шахсий сифатлар тарзида тушунилади.

Вазиятли тайёргарлик эса шахсининг аввалги фаолияти ҳамда унинг кечиши ва муваффақиятини белгиловчи мавжуд ҳолати сифатида намоён бўлади [7].

Ю.А.Грачев эса таълим тизимининг яхлит ҳолати, умумий моҳияти унинг ўзида М.И.Дьяченко, Л.А.Кандыбовичлар томонидан кўрсатилган барча турдаги тайёргарлик (аввалдан қилинган тайёргарлик, вақтинчалик тайёргарлик, вазиятли тайёргарлик)ни намоён этган ҳолда мотивация, билиш лаёқати, ҳис-туйғулар, иродавий сифатлар каби таркибий қисмларга эга бўлади [8].

Демак, умумий ҳолда тайёргарлик негизида қуйидаги таркибий тузилма ифодаланади: 1) у ёки бу фаолият, касбга бўлган ижобий муносабат; 2) характер хусусиятлари, қобилият, темперамент, мотивация, фаолият моҳиятига тўғри келадиган талаблар; 3) зарур билим, кўникма ва малакалар; 4) барқарор касбий муҳим хусусиятлар: идрок, диққат, тафақуур, ҳиссий-иродавий кечинмалар.

Педагогик ва психологик йўналишларда олиб борилган тадқиқотларда, шунингдек, касбий тайёргарлик, унга хос бўлган характерли жиҳатлар ҳам ўрганилган.

В.Чичикин томонидан “касбий тайёргарлик” тушунчаси мутахассисга нисбатан бериш асосида шундай таърифланади: мутахассиснинг касбий тайёргарлиги – ижтимоий муносабатларнинг профессионал фаолиятдан ушбу фаолият субъекти бўлган шахс вазифаларининг тизимига меъерий даражада ўзгартирилишини тавсифловчи эҳтиёж ва қобилиятларга асосланадиган интеграл таълим сифатида тушунилади [9]. Дарҳақиқат, касбий тайёргарлик ижтимоий субъектнинг мутахассис сифатида у томонидан ташкил этиладиган профессионал вазифаларни тўлақонли бажаришга ҳам психологик, ҳам жисмонан тайёр эканлигини англатади.

Муаллифнинг қайд этишича, касбий тайёргарликнинг таркибий тузилмасида учта, яъни, мотивацияли, ахборотли ва вазифавий-фаолиятли компонент мавжуд. Улар табиий равишда эҳтиёж, касбий билим ҳамда фаолият усуллари ифодалашга хизмат қилади.

Кўрсатилган компонентларнинг ҳар бири уларнинг ўзаро таъсирида муҳим аҳамият касб этади. Мотивацион компонентнинг вазифаси бошқа таркибий қисмлар (ёки уларнинг элементлари)нинг намоён бўлишини фаоллаштиришдан иборат бўлса, ахборот компонентининг вазифаси – мақсадли натижага эришиш учун бошқа компонентларнинг ресурс имкониятларидан фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш (билимларга асосланган ҳолда иш кўриш)дан иборат. Операцион компонентнинг вазифаси эса макон ва вақтда компонентларнинг ўзаро таъсири улар ўртасидаги муносабатдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир таркибий қисмнинг мавжуд имкониятини амалиётга тўла тадбиқ қилиш [10].

Электрон манбалардан бирида “касбий тайёргарлик” тушунчасига шундай таъриф берилади: касбий тайёргарлик – 1) шахсининг тегишли касбий фаолиятни бажаришга бўлган субъектив ҳолати, қобилияти ва тайёрлиги; 2) касбий ва шахсий нуқтаи-назардан ўз-ўзини эътироф этишга тайёрлик; 3) ўз-ўзини бошқариш, шунингдек, муайян шароитда қўйилган вазифаларни ҳал қилишда ўзининг касбий имкониятларини сафарбар қила олиш қобилияти.

В.Д.Шадриков “Касбий тайёргарлик” тушунчасининг моҳиятига ўзига хос ёндашади.

Бу ёндашувга кўра касбий тайёргарлик ўқув жараёнида шаклланган умумий ва махсус қобилиятларнинг ривожланиш даражаси тушунади.

Бир гуруҳ тадқиқотчилар касбий тайёргарлик негизида касбий яроқлилиқ (ёки касбий лаёқатга эгаллик) намоён бўлади, унинг даражаси мутахассиснинг касбий фаолиятга тайёр ёки тайёр эмаслигини белгилаб беради деган фикрни илгари суради. Аксарият ҳолатларда касбий яроқлилиқка нисбатан “шахснинг меҳнат фаолияти самарадорлигини белгиловчи махсус билим, кўникма ва малакаларга эгаллиги асосида муваффақиятга эришиши учун зарур ва этарли бўлган психологик ва психологик-физиологик хусусиятларининг тўплами” дея ёндашилади.

Бошқа бир фикрга кўра касбий яроқлилиқ “шахснинг жисмоний сифатлари ва психологик-физиологик хусусиятларининг касбий талабларга мувофиқлиги даражаси” [8]. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, касбий яроқлилиқ ҳамisha касб талаблари ва инсоннинг индивидуал хусусиятларининг нисбати билан белгиланади. Бунда мазкур нисбат айнан муайян шахсга, фаолият турига, касбийлаштириш босқичига йўналтирилиши керак.

Профессионал фаолият самарадорлигини таъминловчи шароит (омил)лардан бири у ёки бу даражада фаолият мазмуни ҳамда мутахассиснинг руҳий ва жисмоний саломатлиги ҳолатининг у томонидан бажариладиган касбий вазифалар талаблари ўзаро мувофиқлигини белгиловчи касбий тайёргарлиги саналади.

Ҳар қандай фаолиятда бўлгани каби касбий фаолиятда ҳам мутахассиснинг ўзини ўзгарувчан шароитларга мослаштира олиши ва ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиши муҳимдир. Бунда мутахассис томонидан қуйидаги усулларнинг қўлланиши фойдалидир: ўз-ўзини ишонтириш; ўз-ўзига буйруқ бера олиш; ўз-ўзини рағбатлантириш; ўз-ўзини таҳлил қилиш; онгни “ақлли ҳаракатлар”дан ҳоли қилиш; ҳиссий зўриқиш белгиларини бартараф қилиш.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “касбий тайёргарлик”, “КХК ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги”, “КХК ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш”, “имитацион виртуал тренажёрлар воситасида КХК ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш” тушунчалари назарий жиҳатдан тавсифланди.

Касбий тайёргарлик – мутахассис томонидан узлуксиз касбий таълим жараёнида ўзлаштириладиган ҳамда ушбу таълимнинг натижаси сифатида белгиланадиган шахсий сифатлар, профессионал билим, кўникма, малака, тажриба, компетентлик сифатлар ва уларнинг юқори даражаси. Мутахассиснинг касбий тайёргарлиги мажбурий ёки ихтиёрий равишда ташхис қилинади, баҳоланади. Ташхис ва баҳолаш махсус метод, воситалар ёрдамида амалга оширилади.


КХМ ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги – ўқувчи томонидан узлуксиз касбий таълимнинг муайян босқичида белгиланган меъёрий стандартларга мувофиқ профессионал билим, кўникма, малака, тажриба, компетентлик, шунингдек, шахсий сифатларнинг ўзлаштирилиши асосида унинг тегишли йўналишда амалий фаолиятни ташкил этишга ҳозирлиги (тайёр эканлиги).

КХМ ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш – объектив ва субъектив омиллар таъсирида ўқувчиларнинг мавжуд профессионал тайёргарлигини янги сифат босқичига кўтаришдир.

Мутахассиснинг касбий тайёргарликка эга бўлиши субъектив ва объектив омиллар таъсирида кечади.

Манбаларда бу турдаги омиллар ҳам кўрсатилган. Чунончи, субъектив омиллар: мутахассиснинг психологий, физиологик ва жисмоний ҳолати, “касбий тайёрлик даражаси, касбий муҳим сифатларга эгаллиги, у эга бўлган мотивация; объектив омиллар: фаолиятнинг ташкил этилиши ва иш ўринларининг ҳолати, иш ўрнининг санитария-гигиеник ҳолати (ёритилиши, зарарли моддалар, микро иқлим – ҳарорат, намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги; механик тебранишлар – вибрация, шовқин, ультратовуш, нурланиш, атмосфера босими; касбий зарарланишлар ва зарарли биологик моддалар); психологик-физиологик (жисмоний юкланма, ишлаш ҳолати, асаб-руҳий босим, меҳнат жараёнининг бир хиллиги (монотонлиги); меҳнат ва дам олиш режими – ички навбат (сменали иш), кунлик, ҳафталик ва йиллик иш ҳажми; иш фаолиятида шикастланиш хавфи); эстетик; ижтимоий-психологик (жамоанинг бирдамлиги; жамоадаги гуруҳлар ўртасидаги муносабат характери).

Тадқиқотни олиб бориш жараёни имитацион виртуал тренажёрлар воситасида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда қуйидаги тамойилларнинг устувор аҳамиятга эгаллигини кўрсатди (1.1-расм):



1.1-расм. Имитацион виртуал тренажёрлар воситасида КХМ ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари

Бизнинг ёндашувимиз бўйича эса профессионал тайёргарлик негизида мутахассис ёки бўлажак мутахассиснинг психологик ва жисмоний жиҳатдан тегишли касбий вазифаларни бажаришга тайёрлиги, зарур билим, кўникма, малака, тажриба, қобилиятга эгаллиги, касбий фаолиятда юзага келадиган қийинчилик ва муаммолардан чўчимаслиги, ҳар қандай шароитда ҳам касбий бурч ва масъулиятни тўла англай олиши, ички имкониятларини тўлақонли намоён қила олиши билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019 йил 11 июль) ПФ-5763-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4415388>.
2. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // ЎзР Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

3. Касбий такомил ва фаолият самараси // Методик тавсия ва кўрсатмалар. 2-тўплам. – Жиззах: ЖДПИ, 2000. – С. 24.
4. Маҳмудов М. Ҳ. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари: Пед.фан.док. ... дисс. автореф. – Т.: 2004. – С. 45.
5. Педагогика фани концепцияси //Халқ таълими ж. – Т.: 2004. 5-сон. – С. 8-32.
6. Ражабова С. Ю. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг конструкторлик-технологик компетентлигини ривожлантириш методикаси: пед.фанл.бўйича фалс.фанл.докт (PhD)... дис.автореф. – Т.: 2020. – 49 б.
7. Толипов Ў. Қ. Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик технологиялар // Халқ таълими. – Т.: 1999. 2-3-сонлар. – Б. 63-67.
8. Ҳамидов Ж. А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: 2017.